БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 91 (4190).
21 АПРЕЛЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи граждан-лари! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ФИДОКОРОНА, ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТ УЧУН

В. И. ЛЕНИН МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА «НАМУНАЛИ ТАРТИБ УРНАТИЛГАН МУАССАСА» НОМИ БЕРИЛДИ.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги умумхалқ байрами арафасида коллективга бу юксак номнинг берилиши диққатга сазовор ва у рамзий маънога эгадир. Шуниси характерлики, Ленин музейи Тошкентни коммунистик шаҳарга айлантириш учун бошланган ҳаракатнинг энг актив қатнашчиси бўлиб, Ўзбекистон пойтахтида биринчи намунали тартиб ўрнатилган муассаса номини олди.

Республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, ленинча ғоявий-назарий меросни пропаганда қилиш, революция доҳийсининг ўлмас ғоялари ва васиятларини пропаганда қилишда музейнинг Тошкент филиали роли ва аҳамияти жуда катта бўляпти. Филиални фахрий равишда Ўзбекистоннинг бош музейи, пойтахтдаги энг қирик идеологик муассаса, ленинча фикрлар хазинаси деб аташади. У ташкил этилгандан буён ўтган ўн йил ичида ранг-баранг идеологик ишларни олиб боришда, меҳнаткашларни Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти мисолида тарбиялашда шаҳар партия ташкилотининг ишончли ёрдамчиси бўлиб қолди.

Коллективни юксак ном берилганлиги билан мукофотлаш учун партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, партия ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари келишди.

— В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини Тошкент филиалининг коллективи янги ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олмоқда,— деди бу ажойиб воқеага бағишланган тантанали йиғилишни очар экан, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров. — Илмий-экспозицион тўплаш ва лекция-оммавий ишлар режалари муваффақиятли бажариляпти. «Ривожланган социализм ва коммунизм қурилиши» ҳамда «Ленинизм ва жаҳон революцион ҳаракати» мавзуида ҳозирги даврга бағишланган иккита янги экспозиция яратилгани катта муваффақият бўлди. Улар Ленин васиятларининг рўёбга чиққанини, СССР қардош республикаларининг коммунизмни бунёд этиш борасидаги муваффақиятларини ёрқин акс эттиради.

Тошкент филиалининг муваффақиятлари — бу, бутун аҳил коллективнинг илҳом билан фидокорона, астойдил тер тўкиб қилган меҳнатининг натижаси, филиал партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг актив фаолияти натижасидир.

У. У. Умаров коллективга намунали тартиб ўрнатилган муассаса юксак номини бериш ҳамда уни фахрий Ленин юбилейи ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисидаги Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва касаба союзлари Тошкент область Советининг қарорини ўқиб эшиттирди, тўпланганлар, барча тошкентликлар номидан музей ходимларини самимий табриклади.

Йиғилишда сўзга чиққан тарих фанлари доктори, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг директори Х. С. Шукурова барча ходимлар номидан коллективнинг меҳнатига юқори баҳо берилгани учун самимий миннатдорчилик изҳор этди, музей ишларининг асосий босқичлари ва йўналишлари ҳақида гапириб берди. Музей ташкил этилгандан буён, деб таъкидлади у, уни беш миллион 180 минг киши келиб кўрди, 30 мингдан зиёд лекция ўқилди, 2 мингдан зиёд оммавий тадбирлар ўтказилди. Коллектив Ленин юбилейига тайёргарлик кўриб, Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг ғоявий-назарий меросини пропаганда қилиш, республика меҳнаткашларини партия, коммунизм ишига, ўз социалистик Ватанига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш бўйича ишларни активлаштирди. Филиалнинг ҳар бир ходими ўзининг юксак бурчини, музей олиб бораётган ранг-баранг ишларнинг моҳияти ва аҳамиятини ана шунда кўрмоқда.

В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг таниқли ишчиси А. Умаров, партия ветерани А. И. Коваленко, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитетининг секретари А. И. Леонов, ТошДУнинг аълочи студенти М. Азизова ва бошқалар пойтахт меҳнаткашлари, жамоатчилик ва шаҳар ёшлари номидан коллективни қизғин табриклашди. Улар коллективга марксизм-ленинизм ғояларини актив пропаганда қилаётгани, Ўзбекистон меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашга бебаҳо ҳисса қўшаётгани учун самимий миннатдорчилик сўзларини изҳор этиб, келгусидаги ишига янги муваффақиятлар тиладилар.

Фахрий Ленин юбилейи ёрлиқлари, шунингдек, филиалнинг бир группа ходимларига ҳам топширилди.

Йиғилиш қатнашчилари «Барҳаёт Ленин» хроникаль-ҳужжатли фильмни кўришди, музейнинг экспозиция залига киришда ўрнатилган, Владимир Ильичнинг улуғвор ҳайкали ёнида эсдаликка суратга тушишди.

ЗАФАРЛАРИМИЗ—УЛУҒ ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Чеварлар рапорт беришди

● БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ 4,5 ЙИЛЛИК ПЛАНИ АДО ЭТИЛДИ.
● 219 МИЛЛИОН СЎМЛИК БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ.
● ВАЗНИНГ МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЯНГИ СИСТЕМАСИ—АМАЛДА

БУГУН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчилари шу йилнинг иккинчи ярим йиллиги ҳисобига дастлабки туркум буюмларни савдо тармоқларига жўнатдилар. Коллектив 16 апрелда Ленин юбилейини муносиб нишонлаш учун қабул қилган социалистик мажбуриятини — беш йилликнинг 4,5 йиллик топшириғини бажарди. 1976 йилдан буён чеварлар 219 миллион сўмлик буюмлар реализация қилдилар. Шу билан бирга 38,4 миллион сўмлик маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди. Ваҳоланки, тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида савдо тармоқларига фахроли беш қиррали белги билан жами 420 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилган эди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 50 процентдан юқори ўсишига, маҳсулот сифатининг юксак даражасига ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва янгиликларни жорий этиш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш, илғор иш усулларини кенг қўллаш эвазига эришилди. Бу ерда тармоқ соҳада республикада биринчи бўлиб марказлаштирилган буюмларни қайта ишлаш, дазмоллаш участкаси ташкил этилди. «Паннония» типидаги ярим автомат линияларнинг ишга туширилиши меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, буюмларнинг товар кўринишини яхшилаш имконини берди.

Илғор технологияни такомиллаштириш ишида «Майер» фирмасининг мослаштирилган қурилмалари асосида костюм деталларини янгича бичиш методининг жорий этилиши юксак самара берди.

Реконструкция асосида газламани бичиш ва загатовкаларни тикув цехига ташиш бўйича тайёрлов-бичув ишлаб чиқариши ташкил этилди.

Тошкент областининг Бўка посёлкасида корхонанинг филиали ташкил этилди, кундан-кунга унинг қуввати ошириляпти. Бу ерда эркаклар ва болаларнинг костюмларини тикиш йўлга қўйилди.

Тиқувчилик бирлашмаси Ўзбекистон пойтахтида ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни такомиллаштирувчи ВАЗ илғор системасини жорий этиш бўйича база корхона бўлиб қолди. Костюмлар тайёрланадиган 3-тўқув цехи ўз навбатида эксперименталь янги бригада системасида ишлашга ўтди. Меҳнатни ташкил этиш босқичма босқич асбоб-ускуналар, энергетика ва яна ташкил этилган техник назорат цехида амалга оширилмоқда.

Корхонада биринчи бўлиб беш йилликнинг тўрт ярим йиллик топшириғини 6-цех чеварлари бажаришди. Бу коллектив янги йўллик ва ростовликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, мана уч йилдирки қолоқларсиз ишлаяпти. Бир ой муқаддам Светлана Белоглазова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси Ленин юбилейи шарафига қабул қилган мажбуриятини бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Мастер А. Ким ўзининг меҳнати якунидан жуда хурсанд. Алла Максимовна доҳий В. И. Ленининг 110 йиллиги арафасида шахсий икки беш йиллик планини адо этди.

Ҳозирда корхонада 1983 йил календари бўйича саккиз нафар ишлаб чиқариш илғори меҳнат қиляпти. Ленин юбилейи шарафига 400 нафар чевар беш йиллик топшириғини бажарди.

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, ғайрат билан меҳнат қилмоқда.
СУРАТДА: бирлашманинг моҳир тўқувчиси Искра Кислова ёш ҳамкасби Муқаддам Йўлчиева билан тажрибаларини ўртоқлашмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

● БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

САМАРАДОРЛИК ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Кейинги йилларда Ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат унумдорлигини юксалтириш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд цехларга такомиллаштирилган замонавий асбоб-ускуналар, станоклар ўрнатилмоқда. Натижада йилнинг биринчи кварталида меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 100,4 процент адо этилди.

Электр аппаратчилар доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига ҳам социалистик мусобақани авж олдиряптилар. Кўплаб ишчилар шахсий мажбурият олиб ишлашяпти. Коллективнинг ғайрат-шижоати туфайли квартал плани муваффақиятли уддаланди. Пландаги 15 миллион ўрнига 15 миллион 052 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш ойдан-ойга кўпайиб боряпти. Биринчи уч ойликда фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 25 процентини ташкил этди.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

✦ «Буюк ғояларнинг тантанаси» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

✦ Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқларнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномаларнинг 35 йиллиги муносабати билан Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Эдвард Герекка, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Генрик Яблоньскийга, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Эдвард Бабюхга йўллаган табриги эълон қилинган.

МУЗЕЙГА ТУҲФА

Ўзбекистон пойтахти энергетикларининг навбатдаги семинари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлиб ўтди. Семинар бошланиши олдидан Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов филиал директори С. Шукуровага рангли тошлардан тайёрланган совғани тақдим этди. Ана шу совға алвон кўринишида бўлиб, Ильичнинг сиймоси ва электростанция акс эттирилган. Унда доҳийнинг электрлаштириш ҳақидаги орзуси рўёбга чиққанлиги рамзий ифодаланган.

Энергетикларни и г туҳфасини уч муҳим сана — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги, ленинча ГОЭЛРО планининг 60 йиллиги ва музей филиалининг 10 йиллигига бағишланди.

«Ленинча партиявий ва давлат иш услубининг асосий хусусиятлари» мавзуида ўтказилган семинарда республика Энергетика министрлиги системасининг 300 дан ортиқ раҳбар ходими, пропагандисти иштирок этди.

А. МЕЛАМЕД.

Узинформэнерго ходими.
СУРАТДА: энергетикларнинг эсдалик совғаси.
В. Косовский фотоси.

УМРИ БОҚИЙ ДУСТЛИК

ФЕСТИВАЛЬ ЧОРЛАЙДИ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат университети ўзининг 60 йиллигини нишонлаяпти. Шу муносабат билан 21—28 апрель кунлари «Университетлар дўстлиги ҳафталиги»нинг III фестивали ўтказилади.

Дўстлик фестивали тўғрисида гапириб беришни сўраб, фестиваль ташкилий комитети раиси, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг биринчи проректори Э. Н. КУЦЕНКОга мурожаат қилдик.

— Университетлар дўстлиги фестивалини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб 1974 йилда ўтказилган «Университетлар дўстлиги ҳафталиги»нинг I фестивалида иттифоқимизнинг 17 университетидан вакиллар қатнашган эди. Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб 1977 йилда ўтказилган II фестивалда эса мамлакатимиздаги 27 та университетдан ва 3 та қардош социалистик мамлакат университетларидан вакиллар қатнашди.

Шу йилнинг сентябрь ойида доҳий В. И. Ленин декретига асосан ташкил қилинган ва унинг барҳаёт номи билан аталувчи Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат университетининг 60 йиллиги байрам қилинади. 21—28 апрелда ўтказиладиган «Университетлар дўстлиги ҳафталиги»нинг III фестивали шу юбилейга бағишланади. Бу фестивалга иттифоқдош республикалардаги 29 университетдан ва 5 та қардош социалистик мамлакат университетлари д а н вакиллар таклиф қилинган, София (Болгария), Скопле (Югославия), Прага (ЧССР), Краков (Польша), Лейпциг (ГДР) университетларининг вакиллари фестивалимизнинг азиз меҳмонлари ва актив иштирокчилари бўладилар.

Ҳафталик қатнашчилари олдида катта ва воқеаларга бой программа турибди.

Дўстлик фестивали Тошкент шаҳар ёшлари ва фестиваль қатнашчиларининг доҳийимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган намойиши билан бошланади. Дўстлик ҳафталиги давомида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «Ленинча миллий сиёсат—амалда» мавзуида илмий-назарий конференция ва бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишларидан ташқари, сиёсий плакатлар конкурси ҳам ўтказилади. Бу конкурсда совет ёшларининг қаҳрамонона ишлари тўғрисида, планета ёшларининг социал тараққиёти учун, тинчлик ва антиимпериалис т и к бирдамлик учун олиб бораётган курашларини акс эттирувчи плакатлар намойиш қилинади.

Ҳар йили ўтказиладиган Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари олий ўқув юртларининг университетлари ва ҳам фестиваль программасига киритилган. Марказий «Пахтакор» стадионида очиладиган бу кичик университетда фестиваль қатнашчилари спортнинг волейбол, баскетбол, бокс, миллий кураш, енгил атлетика ва бадиий гимнастика турлари бўйича мусобақалашадилар.

Фестиваль қатнашчилари В. И. Ленин декретига мувофиқ ташкил этилган университетнинг фаолияти билан танишадилар.

Меҳмонлар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар, дискотекалар кўрик конкурсида ва интернационал дўстлик митингида иштирок этдилар. Тошкент области меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишув каби мароқли учрашувларда қатнашадилар. Фестиваль якунида ҳафталик қатнашчиларини Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Тошкент маршрути бўйлаб қизиқарли туристик саёҳат кутмоқда.

Бу фестиваль олий ўқув юртлари студентларининг ва ёш олимларининг ленинча миллий сиёсат масалаларини яна ҳам чуқурроқ ўрганишларига, уларнинг ижтимоий-сиёсий активлигининг ошишига, маънавий жисмоний ва эстетик жиҳатдан камол топишларига ўзининг самарали таъсирини кўрсатади.

Интернационал дўстлик фестивалига марҳамат!

К. ЕРЛЕПЕСОВ.

«ПАРТИЯ АХБОРОТИ

Мусобақа асосида

Доҳийимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига меҳнат коллективларининг ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини қандай бажаришаётгани тўғрисидаги масала Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитетида кўриб чиқилди.

Завод касаба союз комитетининг раиси Т. Мирҳаитов бу ҳақда гапириб берди. Партком йиғилишида таъкидланишича, доҳий юбилейи шарафига ўзаро социалистик мусобақада Александр Пан бошчилик қилаётган пўлат қуйиш цехи коллективи намуна бўляпти. Шу цехнинг мастери Люса Абрамова, Анатолий Рачицкий бошчилик қилаётган участкалари коллективлари пешқадамлик қилишяпти.

Якор цехининг Мухлис Зарипов бошлиқ бригадаси эса ўтган йил социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари учун тармоқ министрлигининг мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, электр машина цехининг Н. Железнов. пўлат қуйиш цехининг И. Абдурахмонов бошлиқ бригадалари ҳам доҳийимиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддаладилар.

ЖАДАЛ СУРЪАТ

БУГУН

Пойтахтимиз д а г и В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қилаётган коллективлар орасида 3-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси чеварлари ҳам бор. Корхона коллективи йил бошидан ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқда. Корхонада ҳар ойда савдо тармоқларига 350—355 минг сўмлик сифатли кийим-кечаклар юборилиятти.

корхона чеварларининг йил бошидан бери реализация қилган маҳсулоти 1 миллион сўмликка етди. Бу маҳсулотнинг асосий қисми аъло сифатда тайёрланди.

Чеварлар ўртасида авж олган социалистик мусобақада ветеран ишчилардан Раҳима Бойдадаева, Минавар Тўрабекова, ёш ишчилардан Тамара Дусеева, Мовлуда Шукурова, Гулбаҳор Абдурасуловалар пешқадамлик қилишаяпти. Бу ишчилар смена топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этиб фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлашяпти.

Корхона чеварлари беш йилликнинг якунловчи йилида савдо тармоқларига жами 3 миллион 950 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилишга аҳд қилган. Ҳозирги жадал меҳнат суръати илғорлар бу ваъдаларини албатта бажаришларидан далолат беряпти.

МАДАНИЯТ ХАБАРИ

Томошабинга манзур

Чилонзор районидаги 4-маданият уйида драма студияси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Медицина электро-техника техникуми студентларидан уюштирилган бу коллектив «Яна баҳор қайтмоқда», «Ленин ва Шарқ» каби театрлаштирилган кечаларни билан томошабинлар ишончини қозонди.

Куни кеча коллектив ўзининг янги «Севги—муқаддас туйғу» деб номланган театрлаштирилган композициясини муҳлисларни ҳукмига ҳавола қилди. Кечада Ҳ. Садриддинов, Г. Османова, М. Мадаминова ижро этган севги, ёр, висол, бахт ва ёшлик тароналари, Т. Салоҳиддинов, З. Темирова ижросидаги дилрабо рақслар ҳамда Қ. Юнусова, А. Р. Нишонбоев ва бошқалар ижро этган драмалардан олинган парчалар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Коллектив шу кучларда Буюк Ғалабанинг 35 йиллигига бағишлаб Эркин Воҳидовнинг «Нидо» поэмаси асосида «Биз ўз кунларни унутганимиз йўқ» деб номланган театрлаштирилган кеча тайёрламоқда.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

АТОМДАН ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

Бутуниттифоқ «Изотоп» бирлашмасининг Тошкентдаги республикалараро бўлими янги икки қавзтли бинога кўчиб кирди. Бу ташкилот радиоизотоп технологияси ва приборларини халқ хўжалигига жорий этиш соҳасида техникавий ва амалий ёрдам кўрсатади. Чилонзор массивида қад кўтарган ана шу корпусда техника хизмати бўлимларидан ташқари кенг намойиш зали бор. Бу ерда технологик контроль қилишнинг радиоизотоп приборлари, радиацион техника, ядро-физикавий тадқиқотлар учун аппаратлар, медицина препаратлари ва бошқа энг янги асбоб-ускуналар қўйилган. Буюртмачилар — Ўрта Осиё республикалари илмий ва хўжалик ташкилотларининг вакиллари ана шу намуналар асосида маҳсулотнинг у ёки бу турига буюртма беришлари мумкин.

[ЎзТАГ].

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг II сессияси 1980 йил 24 апрель куни соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) мажлислар залида очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

телетайп лентасидан

⊙ КОБУЛ. Афғонистон пойтахти ишчиларидан 100 га яқин киши Қобул университети ҳузурида ташкил қилинган саводсизликни тугатиш курсларини битириб чиқ-и. Ҳозирги вақтда бу курсларда қарийб минг киши ўқимоқда.

Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати саводсизликни тугатишни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Ҳозир мамлакатда 30 мингдан кўпроқ курс ишлаб турибди. Бу курсларда ишчи ва деҳқонлардан бир миллиондан зиёд киши ўқимоқда.

Афғонистондаги 1978 йилги апрель революциясига аввалги режимдан оғир мерос қолди. Илгари йирик феодаллар ва бойларнинг болаларигина ҳам социалистик мусобақани авж олдиряптилар. Кўплаб ишчилар шахсий мажбурият олиб ишлашяпти. Коллективнинг ғайрат-шижоати туфайли квартал плани муваффақиятли уддаланди. Пландаги 15 миллион ўрнига 15 миллион 052 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш ойдан-ойга кўпайиб боряпти. Биринчи уч ойликда фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 25 процентини ташкил этди.

Ҳозирги вақтда бир килограмм гўшт 16 рупия эмас, балки 24—26 рупия туради. Бу эса Покистон оилаларининг асосий кўпчилиги аслида гўшт сотиб олишдан процент ошди. Чунончи, ҳозирги вақтда бир килограмм гўшт 16 рупия эмас, балки 24—26 рупия туради. Бу эса Покистон оилаларининг асосий кўпчилиги аслида гўшт сотиб олишдан

⊙ БАҒДОД. Бағдод яқинида қишлоқ хўжалик техникаси юзасидан мутахассислар тайёрлайдиган институтни очиш маросими бўлиб ўтди. Бу мамлакатда биринчи ихтисослаштирил г а н ўқув юрти бўлиб, унга деҳқонлар оиласидан чиққан ва ўрта мактаблари яхши баҳолар билан тамомлаган болаларгина қабул қилинади.

Шу йил сентябрь ойида биринчи курсларга қабул қилинадиган 200 нафар йигит ва қиз машғулотларга киришадилар.

⊙ ДАМАШҚ. Исроилда нарх-навонинг ўсиши одатдаги воқеа бўлиб қолди. Қуддус радиоси маъмурларнинг истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини ҳар икки ойда бир марта ўн процент муттасил ошириш тўғрисида қарор қабул қилганлигини хабар қилди. Исроилда нарх-наво йил сайин юз — бир юз эллин процент ошиб бормоқда.

⊙ ИСЛОМОБОД. Покистонда меҳнаткашлар оммасининг иқтисодий аҳволи ҳамон ёмонлашиб бормоқда. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархининг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши кучайиб бораётганлиги миллион-миллион покистонликларнинг турмушини ниҳоятда оғирлаштирмоқда. Покистон матбуоти ана шуни хабар қилиб, ҳарбий режимнинг нарх-навонинг ўсиши 6—10 процент даражасида сақлаш ҳақидаги ҳамма ваъдалари бажарилмай қолганлигини таъкидламоқда. Бултур сабзавот, мева, ўсимлик мойи, туҳум ва қанд-шакар нархи ўрта ҳисобда 30—50 процент ошди. Чунончи, ҳозирги вақтда бир килограмм гўшт 16 рупия эмас, балки 24—26 рупия туради. Бу эса Покистон оилаларининг асосий кўпчилиги аслида гўшт сотиб олишдан

⊙ АММОН. Тель-Авив босиб олинган араб территорияларидаги туб аҳолини жонажон жойларини ташлаб кетишга мажбур этиш учун вахшиёна усулларни қўлламоқда. Бу ерда олинаётган хабарларга кўра, Исроил самолётлари дефолиантлар ёрдамида араб деҳқонларига мансуб бўлган донли экинларнинг катта-катта майдонларидаги ва Хеброн шаҳри атроф-теварагидаги донли экинларнинг катта-катта майдонларини яксон қилдилар. Исроилнинг ҳарбий доиралари деҳқонларга гўё «хатолик» билан моддий зарар етказилди, демоқдалар.

(ТАСС).

Партия турмуши: идеология ва ҳаёт

БОШ МАВЗУДА

Мамлакатимиз меҳнаткашлари қатори корхонамиз меҳнат коллективи ҳам жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб нишонлаш учун бутун куч-ғайратини сафарбар этмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини коммунистчасига, ленинчасига ишлаш йилига айлантириш учун курашда янги муваффақиятларга эришмоқда.

Партия Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида шундай дейилади: «Халқ хўжалигининг барча тармоқларида самарадорлик ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш... уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун шахсий жавобгарликни кучайтириш масалалари партия ва давлат, хўжалик органларининг касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида туриши керак». Бирлашмамиз партия комитети бутун эътиборни ана шунга қаратмоқда.

Зиммага қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишда идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг аҳамияти каттадир. Бунда энг аввало, ленинча ғояви меросни коллективимиз зўр қизиқиш билан ўрганаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. В. И. Ленининг асарлари, КПССнинг бой тарихий тажрибаси бирлашма олдида турган иқтисодий вазифаларни ҳал этиш билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилянти. Е. Раҳманин, А. Подтуркин сингари кўплаб моҳир пропагандистларнинг сиёсий ва иқтисодий таълим шаҳобчаларида бераётган билимлари меҳнат коллективини янги юксак зафарлар сари руҳлантирмоқда.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб коллектив ўртасида қизиқарли учрашувлар, сиёсий ахборотлар, лекциялар ўтказилянти. Йил бошидан буён бирлашманинг агитаторлари, пропагандистлари, агитаторлари, сиёсий ахборотчилари, партия ва комсомол активистлари ва ёшлар коллективларининг барча категориялари ўртасида «Ленинча ўқишлар» мунтазам ўтказилмоқда. Ҳозиргача «Ленинизм — давримизнинг революцион байроғи», «Коммунизмни ўрганиш — Ленининг ёшларга берган наказидир», «Ленин коммунистик тарбия ҳақида» сингари мавзуларда лекция, доклад ва суҳбатлар бўлиб ўтди. Яқинда эса ёшлар учун «Улуғ ва оддий инсон» мавзуида лекция ўқилди. Лекциядан сўнг В. И. Ленин ҳаётининг сўнгги йилларига оид кинофильм намойиш қилинди.

Корхонамиз ҳузурида 9-сменали мактаб ўқувчилари учун «Йўл бошланиши» мавзуида абадий-музикали композиция уюштирилди. Бу қизиқарли ва мазмунли тадбирни ташкил этишда 2-цехнинг ишчилари Вячеслав Никитин, Раиля Загрудинова ва бошқалар актив иштирок этишди. Меҳнат ветеранлари сўзга чиқишди.

Пропагандист л а р, агитатор, сиёсий ахборотчилар улуғ Ленининг ҳаёти, революцион ва ижодий фаолияти тўғрисида мазмунли ва мароқли ҳикоя қилиб беришни ўзларининг муҳим бурчлари деб билмоқдалар. Улар В. И. Ленининг сўзи ёзилган магнит лента ларидан, у ҳақдаги фильмлардан, шеърлардан ва бошқа воситалардан самаралли фойдаланмоқдалар. Мен ҳам бошқалар қаторида доҳиймиз В. И. Ленининг оташин сўзлари ғояларини ҳар бир қалбга чуқур сингдиришга, уларни янги ютуқларга рағбатлантиришга интиляпман. Биз В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига, шаҳарнинг тарихий жойларига экскурсиялар уюштиряпмиз. Ҳар бир цехда доҳий юбилейига бағишлаб қизил бурчаклар жиҳозланган.

Биз пропагандистлар юбилей олдидан «Очиқ дарслар» ўтказдик. Барча идеологик, тарбиявий-сиёсий ишлар ҳар бир кишининг топширилган иш учун шахсий масъулиятини кучайтириш, юбилей йилида ҳақиқий ленинчасига, зарбдорона ишлашга қаратилаётгани натижасида ўзаро социалистик мусобақа тобора кенг тус олиб кетди. Ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётганлар сафи 5700 кишидан ҳам ошиб кетди. Илғорлар сафи кун сайин кенгайиб боряпти. Мен ҳам улар сафида фидокорона меҳнат қиляпман. Шу билан бирга актив жамоат ишини ҳам олиб боряпман.

О. АТУРИН,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ленин ва Фрунзе районлари мусобақаси

Кўп, яхши ва арзон

Икки райондаги заводлар, фабрикалар, бирлашмаларнинг 1980 йил январь—март ойларидаги ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича:

Ленин райони саноат корхоналари коллективлари маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича шу йилнинг уч ойи планини 101,5 процент, Фрунзе райони 100,6 процент бажардилар; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ эса 101,7 ва 99,6 процент бажарилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 110,5 ва 101,7 процентни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш планини Ленин райони корхоналари 102,2 процент, Фрунзе райони 100 процент бажарди; меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қуйидагича бўлди: 111,9 ва 101,4 процент. Ленин райони саноати ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига тўла равишда меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришаяпти. Фрунзе районида бу кўрсаткич 82,3 процентни ташкил этди.

Ленин районида бир корхона, Фрунзе районида уч корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш бўйича топшириқни уддалай олмади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш планини Фрунзе районида икки корхона, Ленин районида бир корхона бажара олмади.

Шу йилнинг январь-март ойларида Ленин райони саноати 101,8 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди. Фрунзе районида эса бу кўрсаткич бўйича план икки ойдан бери бажарилмаяпти. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан районларда 120,3 ва 102,8 процентни ташкил этди.

Март ойи планини Ленин районида тўрт цех, 33 участка ва бригада, 295 ишчи, Фрунзе районида 30 цех, 100 участка ва бригада 289 ишчи бажаролмади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани [марказлашган молия манбалар—1980 йилнинг январь-февраль ойлари маълумотлари] қуйидагича бажарилди: Ленин районида 101 процент, Фрунзе районида 61 процент. Районларнинг қурувчилари мана икки ойдирки, турар жойни фойдаланишга топшириш планини бажаролмаяпти.

Оз маблағ сарфлаб, кўп, сифатли маҳсулот берамиз, — бу шиор ҳамиша мусобақа қатнашчиларининг диққат-марказида бўлиб келди. У ҳар бир меҳнат коллективи ишининг мазмуни ва суръатини белгилайди. Унда совет кишисига хос бўлган хусусият — ишлаб чиқаришнинг ишбилармон, тежамкор хўжайини бўлиш фазилати ифодаланган.

Мусобақадош районларнинг саноат корхоналарида ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи бутун имкониятларини ишга солиб ишлаши, оз маблағ сарфлаб, пландаги халқ хўжалиги буюмларининг ишлаб чиқарилишининг таъминланиши учун резервлар талайгина. Мусобақа натижасида юзага келган ташаббус катта самара беряпти. Жумладан, Ленин районида электро-техника заводида технологияни такомиллаштириш, электр пакетларни, аппаратларни, переключателларни синаш муддатини қисқартириш эвазига юз мингдаб сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракати кенгаймоқда.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчилари буюмлар сифатини яхшилаш, ҳар бир буюмга сарфланадиган ҳаражатларни камайтириш, хом ашё материалларини тежаш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Приборсозлар ва тикувчилар ишидаги бу йўналишнинг самарадорлигидан план ва мажбуриятларнинг бажариш якуни гувоҳлик беради. Жумладан, электро-техника заводи коллективи биринчи кварталда 9,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу топшириқдагидан 150 минг сўмлик кўпдир. Тикувчилар эса топшириққа қўшимча 320 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Бу мажбуриятдагидан 70 минг сўмлик кўпдир.

Бу ерда хўжалик фаолиятида энг юксак натижани таъминлаш учун тадбирлар планида корхона маркаси шарафи учун кураш маҳсулот сифатини бошқариш системасини такомиллаштириш, илғор технологияни жорий этиш, стандартга жавоб берадиган буюмлар ишлаб чиқаришини таъминлайдиган тадбирларни жорий этиш марказий ўрин тутади. Бунинг натижаси яққол кўриниб турибди. Эндиликда «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида умумий маҳсулот ҳажмининг 46 проценти давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

Ленин ва Фрунзе районининг бошқа корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда талайгина ишлар қилинди.

Жумладан, электротехника заводида «Чақмоқ», «Фаолият экрани» деворий газеталарида, радиогазеталарда, кўп нусхали газетада меҳнат унумдорлигини янада ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун кураш олиб борилади. Бракчиларга қарши кураш эълон қилинади.

Кўпгина меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш суръатларини ўстиришда ва шу билан боғлиқ кўрсаткич — маҳсулот реализация ҳажмини оширишда анчагина ўсишга эришдилар. Жумладан, «Ташхимсельмаш», картон таралар, «Ўзбеккинодеталь» заводлари, қурилиш материаллари сўнгги йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўн процентдан кўпроққа оширди.

Натижада, икки район саноат корхоналари биринчи кварталда планга қўшимча 1.862 минг сўмлик маҳсулот бериб, мажбуриятларини анча ортиғи билан адо этдилар. Лениннча меҳнат вахтасида химия-фармацевтика, қурилиш материаллари саноати тажриба-механика заводлари, «Ташхимсельмаш» заводи, Модалар уйи, Ўзбекистон Компартияси нашриети (Ленин райони); Абразив, қурилиш материаллари комбинатлари, экспериментал фурнитура-пластмасса, эксперименталь қурилиш материаллари заводлари ва бошқа корхоналар яхши меҳнат қилишди.

Кўп ишлар қилинди. Шу билан бирга мусобақа қатнашчилари зарбдор вахтага якун ясаб, бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган масалаларга, ишдаги мавжуд камчиликларга қаратдилар. «Средаэлектроаппарат», «Учқун», «Промстройкомплект» бирлашмаларида, тўқимачилик комбинатида, каноп фабрикасида ўтган ойдаги ишлаб чиқариш программасини бажаролмаётган цехлар, участкалар ва бригадалар бор.

Сифатнинг олий категориясида тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш учун мақсадга мувофиқ кураш олиб борилмаётганлиги сабабли ҳозир «Таштекстильмаш» заводида фахрли беш қиррали белги билан биронта ҳам буюм ишлаб чиқарилмаяпти.

Ишлаб чиқаришни билиб бошқармаслик, планлаштири л г а н ҳажмдаги маҳсулотни қандай бўлмасин ишлаб чиқаришга интилиш натижасида бир қатор корхоналар маблағни ортиқча сарфлаб юбордилар. Жумладан, тепловоз ремонт заводи йилнинг икки ойи мобайнида маҳсулот таннархининг 197 минг сўмликка, шаҳар йўл қурилиш-рем о н т и трестининг асфальт-бетон заводи. 32 минг сўмликка, «Промстройкомплект» бирлашмаси 39 минг сўмликка қимматлашиб кетишига йўл қўйди.

Шаҳар йўл қурилиши-ремонти трестининг асфальт-бетон заводи, тепловоз-ремонт заводи, пардозлаш трестининг қурилиш материаллари комбинати йиллик графикдан бир ҳафта ортда қолишди.

Оз маблағ сарфлаб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш комплекс проблемадир. Янги техникани актив жорий этиш, технологияни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, барча соҳада тежамкор бўлиш лозим. Бу давримизнинг, социалистик хўжалик юритиш методининг асосий талабидир. 1980 йил ва беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашдаги бош йўналишдир.

Яқинда фотомухбир М. Нуриддинов Тошкент электр тармоқлари корхонасининг «Шимолий» подстанциясида бўлиб, коллективнинг меҳнат фаолиятини анс эттирувчи бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Маълумки, подстанция ишчилари Собир Раҳимов район саноат корхоналари ва аҳолини узлуксиз электр қуввати билан таъминлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Диқатингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда подстанциянинг зарбдор навбатчи электр монтёри социалистик мусобақа ғолиби Владимир Игумнов тасвирланган.

● КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

ҲУНАР МАСКАНИ

Собир Раҳимов райониндаги мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати юқори синф ўқувчиларининг ҳунар ўрганиш жойларидан бири бўлиб қолган. Бу ерда райондаги 25 та мактабдан келувчи ўқувчилар ўз севган касблари билан танишишлари, шу касб бўйича ўз маҳоратларини оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Комбинат ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, оталиқдаги ташкилотлар, ишлаб чиқариш илғорларининг самарали ёрдами туфайли катта ҳунар ва меҳнат масканига айланди. Ўқув устахоналари, кабинетлар, лабораториялар энг янги техника воситалари билан жиҳозланди. Ҳар бир касб бўйича маҳсус кабинет ва устахоналар ажратилган, уларда 12 касб бўйича малакали ўқувчи ишлаб чиқариш мастерлари машғулотлар олиб бормоқдалар.

Комбинатда тез-тез ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, касблар ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Ўқувчиларни турли корхоналарга экскурсияга олиб борилади ва ўқув давомида касблар ҳақида турли фильмлар кўрсатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларда турли касбларга қизиқишини оширмоқда.

Комбинатни битирган ўқувчилар ўрганган соҳалари бўйича тегишли гувоҳнома оладилар.

— Бу йил комбинатни 1557 ўқувчи битириб чиқди,—дейди комбинат директори Г. Красношчоков. 1100 ўқувчига ўқиган соҳалари бўйича гувоҳнома ва разрядлар берилди. Келгуси ўқув йилида комбинатда 3600 ўқувчи ҳунар ўрганади.

И. ФАТТОХОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БУЮК САНА АРАФАСИДА

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси марказий газеталари саҳифаларида «В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида» деган янги рубрика остида материаллар эълон қилинди. Бу материалларда В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Рубрика бутун прогрессив инсоният ҳаётидаги тарихий санага бағишланган.

Кобулдаги марказий кинотеатрлардан бирида В. И. Ленин тўғрисида ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш қилинмоқда. Бу фильмлар афғон томошабинларига жаҳон пролетариати йўлбошчиси, совет давлати асосчисининг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятини беради.

МАОРИФ ЭҲТИЁЖЛАРИГА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати умумий таълим янги программасини амалга оширишга киришди.

Ҳиндистон маориф министри Б. Шанкарананд миллий комитетнинг катта ёшдаги аҳоли орасида саводсизликни тугатишга бағишланган мажлисида қуйидагиларни айтди. Умумий таълим программаси ҳозирги замон талабларига мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқилмоқда. Ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилган ҳолда ўқитиш асосий ўринга қўйилмоқда. Ҳиндистонда мустақиллик йиллари давомида саводсизликни тугатиш йўлида кўп ишлар қилинди. Давлат маориф эҳтиёжларига ана шу даврда ўттиз миллиард рупия сарфлади. Мамлакатда қарийб 4 мингта коллеж, юздан ортиқ университет, салкам 800 минг давлат мактаблари ишлаб турибди. Уларда 100 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда.

Чаддаги вазият

ПАРИЖ. ЧАД пойтахтидан олинган хабарларда айтилишича, бир-бирига душман бўлган ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўз аскарларига сафини тўлдириб ва техникадан мадад олиб, бутун фронт чизиғи бўйлаб жадал отишма бошладилар. Пойтахт шимолидаги халқаро аэропорт районида тўп ва миномётлар овози тинмаяпти, бу ерда миллий бирлик ўтиш ҳукуматининг раиси Г. Уэдди ва давлат миллий мудофаа министри Х. Хабре қисмлари ўртасида жанглар бўлмоқда.

Жанубий қанотда ҳукумат раисининг ўринбосари, Г. Уэдде тарафдорлиги Вадал Абдулқодир Камуге кучлари билан Х. Хабре бўлинмалари бирбирига тўқнаш келиб, огир артеллерия иштирокида ҳарбий ҳаракатларни кучайтириб юбордилар.

Франс-Пресс агентлигининг хабар қилишича, шаҳарда қолган тинч аҳоли ўртасида менингит эпидемияси бошланди. Асосан болалар бу дардга йўлиқмоқдалар.

Чаддаги уруш қитъаининг барча мамлакатларини жуда ташвишга солмоқда. Ахборот агентликларининг хабар қилишича, Нигериянинг махсус вакили Лагосдан Нжаменага келган. У Нигерия президенти Ш. Шагари билан Того президенти Г. Эйадеманинг мактубини келтирган. Обзорчиларнинг таъкидлашича, мактубда жанжаллашаётган томонлар дарҳол уруш ҳаракатларини тўхатишга даъват қилинган. Обзорчиларнинг қайд этишича, мактубда бултур август ойида Лагосда имзоланган миллий ярашув тўғрисидаги битим Чаддаги можарони тинч бартараф этишга асос бўлиши ҳақтирилган.

Оқ уйнинг ғирром ўйини

БЕРЛИН. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси секретариатининг аъзоси, АҚШ «ирқий ва иқтисодий тенглик учун курашувчи хотин-қизлар» ташкилотининг вакили Одри Уэст Оқ уйнинг Москвадаги бўлажак олимпиада теварагидаги ғирром ўйини муносабати билан астойдил ғазабланганлигини изҳор этди.

Мен Қўшма Штатларнинг граждани сифатида, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда, Америка спортчи хотин-қизларини ғ и н ғ 1980 йилги ёзги олимпия ўйинларида иштирок этиши тўғрисидаги орзу-умидлари чиппакка чиққанлиги муносабати билан ниҳоятда афсусланаётганлигимизни мамлакатим хотин-қизлар жамоатчилиги кенг қатламлари номидан таъкидламоқчиман. Ахир, спортчи хотин-қизлар бутун планетанинг спорт байрамига тайёргарлик кўриш учун ғоят кўп куч-ғайрат сарфладилар, совет томони ҳам уларга Москвага келиш имкониятини яратмоқ учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилди. Афтидан, турли мамлакатларнинг ёш вакиллари ҳалол спорт «жангида» учрашиб, бир-бирларини яхшироқ билиб олишлари олимпиада муҳолифларига ёқмаётган бўлса керак.

Шундай бўлса ҳам, деб давом қилди О. Уэст, Москвадаги олимпиада ўйинларига тайёргарлик муваффақиятли давом этаётганлиги бизни қувонтиради. Ҳозирдаёқ юздан ортиқ мамлакат олимпия ўйинларида иштирок этишга рози эканлигини билдирди. АҚШ маъмуриятининг олимпиадага путур етказиш йўлидаги уринишлари барбод бўлишига аминмиз.

ЛИБЕРИЯ ТЎНТАРИШДАН КЕЙИН

МОНРОВИЯ. Бу ерда давлат тўнтаришидан кейин Либерия қуролли кучлари қўмондонлиги остида тузилган халқ нажот кенгашининг состави эълон қилинди. Давлат бошлиғи ва бош министр С. Доу мамлакатдаги олий ҳокимият органининг раислигига сайланди. Кенгашнинг ҳамма 15 аъзоси оддий ва сержантлар составидан иборат ҳарбий хизматчилардир.

Либерия янги ҳукуматининг биринчи мажлиси бўлиб ўтганлиги тўғрисида хабар берилади. Шу мажлисда мамлакатда ҳаётни тезроқ изига солиш масалалари муҳокама қилинган. С. Доу министрларни халқ орзу-умидларини қондириш учун бутун кучларини сарфлашга даъват этди.

Пойтахтда собиқ режимнинг олий лавозимдаги амалдорлари устидан суд бошланди. Улар порахўрликда, давлатга ҳиёнат қилишда ва инсон ҳуқуқини қўпол равишда бузишда айбланадилар.

* * *

ПАРИЖ. Франс-Пресс агентлиги янги Либерия маъмурларининг расмий вакиларига таяниб хабар беришича, ағдариб ташланган президент Толбертга содиқ бўлган бир группа ҳарбий хизматчилар пойтахтдан шимоли-шарқда жойлашган бонг графлигида пистирма қурганлар. Натижада артиллерия қўмондони И. Журва ҳалок бўлган. Маъмурлар вакилларининг айтишича, 36 солдат қамоққа олинган ва улар ҳукуматга қарши исён кўтаришда алоқадорлиги тергов давомида тасдиқланган тақдирда отиб ташланади. Уларнинг командири яширинди.

Сиз суратда кўриб турган Зинаида Осиповна Голошчапова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ветеран ишчиларидан бири. Ҳозирги вақтда у корхонанинг тўқув цехидаги илғор бригадага бошчилик қилади.

Бу бригада коллективи дохий туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган.

М. Нуриддинов фотоси.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Тошкент «Компрессор» заводи коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида яхши меҳнат муваффақиятларини қўлга киритяпти. Коллектив маҳсулот тайёрлаш ва реализация қилиш бўйича биринчи квартал планини муддатидан аввал адо этди. Планга қўшимча буюртмачиларга талайгина юқори сифатли компрессорлар юборилди.

Куни-кеча корхонада В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа илғорларига мукофотлар топширилди. 163 илғор ишчига, тўртта пешқадам бригада коллективига В. И. Ленин Фахрий ёрлиқлари топширилди ва пул мукофотлари берилди. Мукофотланганлар орасида Қаюмовлар сулоласига мансуб бўлган кишилар ҳам бор.

Компрессор заводида ишчи Қаюмовлар сулоласини кўпчилик яхши билади. Сулола бошлиғи бўлган А. Қаюмовнинг корхонада ишлаётганига қарийб қирқ йил, Коммунистик партия сафига ўтганига эса 31 йил бўлди. Унинг уч фарзанди ҳам ота касбини эгаллади. Ҳозир улар «Компрессор» заводининг пешқадам ишчиларидан саналишади.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) ота-бола Қаюмовлар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

«Амурбухаракан а лстрой» бошқармасидан Т. Ярашев бошлиқ механизаторлар бригадаси Бухоро районидаги Энгельс номли колхозда янги балиқ хўжалиги сунъий кўлининг қурилишида ишламоқда. Бригада В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажарди. Коллектив 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

* * *

Амударёнинг эски ўзанини тўсган Туямўйин гидроўзелининг тупроқ тўғони баҳрига суткасига 25 минг кубметрдан ортиқ қум ётқизилмоқда. Бу ерда шу соҳадаги ишлардан энг юқори суръатларга эришиш имконини берадиган энг янги гидравлик механизмлар тўла қувват билан ишлаб турибди. Гидроузел қурувчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида тўғон қурилишини тўла туғаллашга қарор қилдилар.

* * *

«Андижанводстр о й» трестига қарашли 7-механизациялашган кўчма колонна мелиораторлари Марказий Фарғона массивида йигирма гектар янги ер ўзлаштирдилар. Ишни жадал усулда олиб боришга бригада пудрати ёрдам берди. Йил бошидан бери трестда ўттизта бригада меҳнатни ташкил этишнинг ана шу прогрессив усулига ўтказилди.

(ЎзТАГ).

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«БОЗОР ВА БАҲО»

Газетанинг 7 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда шаҳар бозорларида нарх-навони олиб сотарлар белгилаб келаётган ва бошқа нуқсонлар танқид қилинган эди.

Шаҳар бозорлари бошқармасидан жавоб олинди. Жавобда кўрсатилишича, газета материали бошқарманинг 12 апрелда ўтказилган советида муҳокама этилган, фактлар тўғри деб топилган.

Советда Олой ва Фарҳод бозорлари директорлари вазифасини бажараётган Р. Усмонов ва Г. Муҳамедовларга бозорда нарх-навони белгилашда назоратсизликка йўл қўяётганликлари, колхоз дўконларига мол келтиришда ташаббус кўрсатмаётганликлари, жамоатчилик советларининг ишини жонлантирмаётганликлари, шунингдек олиб-сотарларга қарши кескин чора кўрмаётганликлари таъкидлаб айтилди.

Шаҳар савдо бош бошқармаси ва бозорлар бошқармаси бозорлар ишини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Бу — мақолада келтирилган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган.

Шарқ юлдузи

АПРЕЛЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг апрель сони босмадан чиқди. Журналнинг мазкур сони бутун дунё пролетариатининг улуғ доҳийси, жаҳонда биринчи социалистик жамият асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган материаллар билан очилади. Ўзбекистон халқ шоири Уйғунниинг «Ленин ҳайкали ёнида», Афғонистон шоири М. Хиравийнинг «Шуъла сочар гўё бир офтоб» шеърлари ушбу муҳим санага бағишланган.

Шунингдек украин адиби В. Канивецнинг «Ульяновлар» романидан айрим боблар О. Шарофиддинов таржимасида босилган. М. Аббосова «Ленинниманинг илк саҳифалари» мақоласида бадний адабиётда Ленин образи яратилиши ҳақида фикр юритади.

Шеърият мухлисларн журналнинг янги сонида Б. Бойқобиловнинг «Шукуҳли карвон» шеърий романининг давоми, Г. Жўраеванинг «Зуҳро юлдузи» достони, Х. Бобомуродова, Тўлқинларнинг янги шеърлари билан танишишлари мумкин.

Проза бўлимида М. Мансуровнинг «Устюрт воқеаси», Э. Амитнинг «Кийик булоқ» қиссалари берилган.

Азиз Қаюмовнинг журналдан ўрин олган «Устоз Беруний» деб номланган янги тадқиқоти Абу Райҳон Беруниийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган.

Шунингдек журналда «Очерклар», «Публицистика», «Танқид ва адабиётшунослик» рубрикаси билан ранг-баранг материаллар эълон қилинган.

В. КАНИВЕЦ

УЛЬЯНОВЛАР

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Тинтув вақтида Андреюшкиннникидан бир хат чиққан эди. Унда Пахом сафсар снёҳ билан ёзган эди: «Мен Сизнинг хатингизни тушунмадим, темирга солиб роса уютдим, лекин фойдаси бўлмади. Бу қандоқ бўлди? Менинг сўнгги хатимни олдингизми? Онам олиб бориб берган бўлиши керак. Унинг мазмуни ҳақида ҳеч кимга оғиз оча кўрманг. Ҳатто, Раиса билан Женькага ҳам индаманг. Улар ҳеч нарса билмайди. Бу ишларга ақли етмайди. Агар уч кун ичида (3 мартгача) ишимиз ўнгидан келмаса, уни ё кечиктирамиз ёҳуд унинг кетидан борамиз. Авдотья Федоровнага бериб қўйиш учун хатни Анна Григорьевнанинг номига ёзинг. Ҳозирча хайр. Фаросатни ишга солсангиз, хатнинг ишқий қисмидан баъзи нарсаларни топишингиз мумкин. Адресингизни маълум қилинг. Аввалги гал йўқотиб қўйдим. Хатни онам орқали ёзяпман».

Бу хат кимга аталганини Андреюшкин айтмади. Сердюкова бўлса, унинг қамалганидан бехабар, март куни унинг аввалги хатига жавобан телеграмма юборди: «Сиз жавоб бермаслигимни илтимос қилибсиз. Хатни олиб, бутун бир абадиятни бошдан кечиргандай бўлдим. Ҳа, жавоб беринг. Комахина». Соқчилар хатда тилга олинган Раиса Ульянко билан Женя Хлебниковани қидириб топди. Уларга телеграммани кўрсатишганда, улар телеграммани Сердюкова юборганини айтишди. Сердюковани бетўхтов қамоққа олишди ва Петербургга олиб боришди. Уни тайёрланаётган суиқасддан хабардор бўлатуриб, бундан полицияни огоҳ қилмаганликда айблашди.

Аня дастлабки қамоқ уйида эди. У ернинг шароити Петропавловск қалъасидагидан тузукроқ эди. У деворни тиқиллатиб гаплашишни ўрганиб олди, аммо бу ҳам ишнинг бориши ҳақида унга ҳеч қандай маълумот бермади. Вильнодан келган телеграмма ҳақида сўроқ қилар экан, прокурор Котляревский сўради:

— Бу телеграмманнинг ҳақиқий маъносидан хабардормисиз?

— Йўқ,— деб самимий жавоб берди Аня.

Прокурор анчагача индамай қолди, кейин овозини пастлатиб деди:

— Унда император аъзаларининг ҳаётига суиқасд қилгани бомба тайёрлаш учун азот кислотаси юборилгани маълум қилинган. Ўкангизнинг қўлида қандай қурол бўлганлигини энди тушундингизми? У сизни даҳшатли хатарга дуч қилибди.

Аня нима деб жавоб беришни билмай қолди.

— Шевирев Кримга жўнаб кетган. Говорухин чет элга қочган, жанг майдонида укангиз ёлғиз жангчи бўлиб қолган, —деб давом этди Котляревский. — Аҳволи ана шунақа. Ҳамма ундан юз ўгирган. Шунинг учун ҳам сизнинг очиқ, ҳаққоний кўрсатмаларингизги н а унга мадад бериши мумкин...

— Сизга яна бир бор айтаман: мен ҳеч нарса билмайман.

Аняга икки марта Сашага хат ёзишга рухсат беришди. Афтидан, шу йўл билан бирон нарсани билиб олишмоқчи бўлган кўринади. Аммо Биринчи мактуба Аня Сашанинг озодлик ва ҳақиқат ҳақидаги ўз ғоялари учун қандай фидокорлик ва матонат билан ҳаёт-мамот жангига кирганига лол қолиб, шундай ёзганди: «Дунёда сендан яхшироқ, Сендан олижаноброқ одам йўқ. Буни сенга ёлғизгина мен опанг сифатида айтмайман. Буни сени билган одамларнинг ҳаммаси айтади, меннинг қуёшим!» Бу хатни қамоқ ходимлари фитнакор деб топишди ва Александр Ильичга беришмади.

Мартнинг биринчи кунлари қамоққа Никонов билан учрашгани синглиси келди. У билан ўпишатуриб, синглиси шивирлади:

— Александр Ильич билан Соҳибжамол қамалган...

Никоновлар оиласида Соҳибжамол деб Лукашевични аташарди. Энди модомики, подшонинг ўлими ҳақида ҳеч қандай гапсўз йўқ экан,— икки асосий суиқасдчи қамалган экан, суиқасднинг фош бўлганига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаган эди. Бу фош бўлишнинг сабабини топмоқчи бўлиб, Никонов кечалари билан ўйланиб чиқди. Биринчи фикр — «бировнинг айтиб қўйган» деган фикр бўлди. Ким бўлиши мумкин?

Бир куни Никоновни сайрга олиб чиқишди. Унга иккита шубҳали одам рўбарў келди. Улар назоратчининг кузатувида зинадан чиқиб боришарди. Кўринишларидан фаррошга ўхшарди. Никонов билан баравар лаганда, ўтиб кетгунча кўзларини олмай, унга тикилиб қаращди. Бу одамларни Никоновни кўрсатиш учун олиб келишгани шубҳасиз эди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин қамоқ ҳовлисида Андреевнинг қаҳвахонасида ишлайдиган хизматкор пайдо бўлиб қолди. Никонов бу қаҳвахонада Ульянов билан учрашиб турарди. Демак, хизматкорни ҳам Никоновни кўрсатишга олиб келишган. Демак, унинг суиқасда иштирок этгани масаласида полицияда аллақандай шубҳалар бор. Лукашевич билан Ульянов уни айтиб берган бўлиши мумкин эмас. Демак, яна кимнидир қамоққа олишган. Кимни?

О. ШАРОФИДДИНОВ таржимаси.

УЙҒУН

ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ ЁНИДА

Кўкка қад кўтарган муҳташам ҳайкал,
Бутун диққатимни тортар ўзига.
Бу эзгу ҳайкалга боққанда одам,
Ишонч ва бахт нури тўлар кўзига.

Бу ҳайкал Ленининнинг азиз ҳайкали,
Бу ҳайкал биз учун буюк ифтихор.
Келажак наслга, минглаб асрга,
Шонли давримиздан ўлмас бир ёдгор.

Юзида улуғвор, қатъий ифода,
Илгари қарата кўтарган қўлин.
Озод кишиликнинг мунаввар йўлни.
Гўёки кўрсатиб тургандай дадил,

Бу ўша машҳур қўл, миллионларни
Октябрь кунлари кўтарган жангга.
Бу қўл биринчи бор коммунизмнинг
Гулларин ўтқазган эркин Ватанга.

Лекин шу қўл билан кўтарган баланд,
Озодлик байроғин шарафли тонгда
Шу қўлни кўтариб сўзлаганда у,
Довуллар қўзғаттан юракда, онгда.

Ленин имзо чеккан шу қўли билан
Машҳур декретларга халқ бахти учун
Шу қўл билан ёзган шоҳ асарларни
Кишилик ақлининг кўрсатиб кучин.

Бу қўл Октябрнинг букилмас қўли,
Бу қўлда бахтимиз воғга етган
Бу қўлда туганмас қудрат, ирода,
Бу қўл эркимизни ҳимоя этган.

Бу кун яна ўша ҳайкалда кўзим,
Улуғ Ленин турар кўтариб қўлин.
Гўёки кўрсатиб тургандек ҳамон
Озод халқимизнинг мунаввар йўлин.

Хосият БОБОМУРОДОВА

ЮЛДУЗЛИ КЕЧА

Қара, юлдузларнинг чарақлашини,
Бунчалар ажойиб, бунчалар гўзал!
Осмоннинг кўксига қўйиб бошини,
Орзулар ҳақида тўқийдн ғазал.

Ой бугун умрида биринчи бора
Бизнинг жуфт шодликни қилар томоша.
Сукунат бағрини ёриб шаршара
Бизга интилмоқда тоғлардан оша.

Майсаларнинг яшил қучоқларига
Синглб кетмайимизми, иккимиз бирга.
Таҳсин ўқиб туннинг хуш чоқларига
Келгин, айланамиз бир ҳовуч нурга.

Шу гўзал борлиқнинг кўзи бўлайлик,
Шу юлдузли кеча бизники бугун.
Ўтли туйғуларнинг сўзи бўлайлик,
Қайта насиб этмас, бизга бундай тун...



ЛЕНИН. Ҳайкалтарош А. Кибальников асари.
Н. Дергилёв фоторепродукцияси.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ

110 ЙИЛЛИГИГА

ДОҲИЙ ҒОЯЛАРИ БАРҲАЁТ

Революция даҳоси, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини барча совет кишилари ижодий ва меҳнат ғайрати жўш урган ҳамда Ленин партияси теваграгига маҳкам жипслашган бир вазиятда кутиб олмоқдалар.

Ленининнинг таълимоти ва иши абадий барҳаётдир. Революцион тафаккур ва революцион ҳаракат даҳоси бўлган Ленин ўзи барпо этган партиянинг ишларида яшаб келмоқда. Коммунистларнинг авлодлари Ленин ғояларига амал қилиб, унинг юксак намунасидан илҳомланиб курашдилар ва ғалаба қозониб келмоқдалар.

Ҳар йили биз Владимир Ильич туғилган кунни нишонлаганимизда унинг революционер ва мутафаккирлигига ғоят чуқур ҳурмат баҳо этбигина қолмасдан, балки биз олга томон қилаётган ҳаракатимизни Ленин таълимоти билан қиёс қиламиз, ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларини тўғри тушуниш ва ҳал этиш калитини унинг таълимотидан топамиз.

Меҳнаткашларнинг гениал йўлбошчиси В. И. Ленин мамлакатимиз халқларини янги эркин ҳаётнинг сарчашмалари сари етаклади. Бу эса Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари чоризм томонидан эзилган бошқа халқлар қатори ўзбек халқига ҳам буюк бахт келтирди. У чоризмнинг чекка ўлкаси бўлган Туркистон меҳнат аҳли вакиллари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатишда шахсий намуна кўрсатди.

В. И. Ленин Туркистон вакиллари—1920 йилнинг июль ойида Туркистон комиссияси аъзолари Я. Э. Рудзутак, Ш. Э. Элиава билан Туркистон делегацияси аъзолари Т. Рисқулов, Н. Ҳўжаев, Г. Бех-Иванов билан суҳбатлашди. Бу учрашувда Туркистон Коммунистик партиясининг навбатдаги вазифалари муҳокама қилинди ва В. И. Ленин бу масала юзасидан фикр ва мулоҳазаларини баён қилди.

В. И. Ленин Москвага келган Туркистон большевикларини қабул қилар, улар билан самимий суҳбатлашар, айниқса ўз номига келган хатларни эўр эътибор билан бирма-бир ўқиб чиқар эди. Туркистондан борган кекса коммунист Ҳаққул Ҳусанбоевнинг хотирлашича, В. И. Ленин Туркистон халқ хўжалигини тиклаш, партия миллий сиёсатини оғишмай амалга ошириш, босмачиларга қарши курашга доир масалалар билан кўп қизиқ-қан эди. Ҳ. Ҳусанбоев В. И. Ленини илк бор кўрганини қуйидагича ифодалайди: «Ўша вақтдаёқ у менга ўзимнинг эски қадрдон, энг яхши танишимдек туюлди. Партиянинг буюк раҳбари биз, оддий партия аъзолари билан бунчалик дўстона сўзлашади, деб мен ҳеч қачон ўйламаган эдим».

Доҳий В. И. Ленин билан биринчи марта учрашган ўзбек аёлларидан Тўраҳон Иброҳимова ва Шамсиқамар Ғойибжоновалар ҳам ўзларининг доҳий билан суҳбатлашганликларини зўр завқ ва шавқ билан хотирлаган эдилар.

Владимир Ильич Озод Шарқнинг келажаги тўғрисида катта гамхўрлик қилди. У 1920 йилда «Қолоқ мамлакатлар илгор мамлакатлар пролетариатининг ёрдами билан совет тузумига ўта оладилар ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали капитализм тараққиёт босқичини четлаб коммунизмга ўта оладилар» деб ёзган эди.

Йиллар ўтди, доҳий орзулари рўёбга чиқди. Октябрь инқилоби туфайли ўлкамизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Серқуёш республикамиз партия раҳнамолигида, иттифоқдош совет республикаларининг дўст, қардош оиласида тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида асрий қолоқликдан чинакам тараққиёт сари жуда катта йўлни босиб ўтди: экономика, маданият ва халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди.

Улуғ Октябрь қўёшидан баҳраманд бўлган республикамиз меҳнаткашлари коммунистик жамият қуришдек шарафли вазифани бажаришда, даврнмизнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда В. И. Ленин ғояларидан баҳраманд бўлиб, янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Практика ва миллионлаб кишиларнинг тажрибаси, жаҳон тарихи В. И. Ленининг улуғ барҳаёт таълимоти тўғри ва ҳаётий таълимот эканлигини исбот этмоқда.

«Ленин, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — революциямизнинг байроғи, партиямизнинг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг бунёдкори бўлганлиги учунгина бизга азиз бўлиб қолмай, унинг ўткир ижодий заковати ва енгилмас мантиқи, анализнинг теранлиги ҳамда хулоса ва ҳаракатларининг дадиллиги, унинг беқиёс жўшқин революционерлиги ва шу билан бирга улуғвор инсонийлиги, камтарлиги ва сезгирлиги —ана шуларнинг ҳаммаси ҳаётда мезон, ҳозирги ишларимизда бебаҳо таянч ва мадад кучи бўлиб келганлиги ҳам, —ва, эҳтимолки айниқса шунинг учун ҳам у бизга энг азиз ва мўътабардир».

Ҳозирги вақтда ғолибона Ленин ғоялари билан қуролланган революцион кучларнинг таъсири остида бутун дунё ўз қиёфасини ўзгартираётганлигини зўр мамнуният билан кўриб турибмиз.

Ленин ватани, ривожланган социализм мамлакати бўлган СССР ҳар бир янги беш йиллик ўтган сари, йилдан-йилга иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

В. И. Ленин таълимотлари ҳамиша барҳаёт, унинг коммунистик келажак сари кўрсатган йўли ҳамиша нурафшон. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «улуғ Ленин таълимоти ҳамиша давлат ва халқ ҳаракатига қўлланма бўлиб қолаверади, унинг шижоати коммунистларни, миллион-миллион кишиларни руҳлантирувчи намуна бўлиб қолаверади».

Ў. ЭГАМБЕРДИЕВ,
тарих фанлари кандидати.

Мурод МАНСУРОВ

УСТЮРТ ВОҚЕАСИ

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Машина бурила туриб, бир ғилдираги қандайдир чуқурчага тушиб кетди-ю, Ортиқ бошини кабина шифтидаги темирга уриб олиб бамисоли кўзидан олов чиқиб кетди. Бояги ширин хаёлларидан асар ҳам қолмади. Жон аччигида бошини ушлаганича Султоновга қаради.

— Ҳов, биродар, кийик ови деб бошдан айрилмайлик. Секинроқда, —деди ётиғи билан.

— Ов қурбонсиз бўлмас деганлар, чидайсиз,— деди Отамурод ҳазил аралаш.

— Ҳали бу ҳолласимасми, Султонов ака,— Зулхумор ҳам гап билан чимдиб олди.

— Жони бўшларни ҳали ҳам бўлса Кугисемга обориб ташлаб келсам, тузукка ўхшайди-ку, а, домла? — узр ўрнига Султоновнинг бу кесатиғи ўтиб тушди.

Ортиқ ловуллаб кетди. Уни кўпчиликнинг ичида қиз болага тенг қилиб камситишига чидаб туролмади:

— Бу ов эмас, дўзах азобининг ўзи-ку. Э, билсангиз ҳайдангда бу савилни! Одам ўтин эмас-ку!..

— Нима қил дейсиз?— машинани тўхтатиб ўгирилди Султонов.— Шунақа ҳайдамаса, кийик тутиб бўларканми?!

— Э, шунаққиб тутиб берган кийнгингиздан ўргилдим-ку!— Ортиқ қўл силтаб юз ўгирди.

Домла уларни тинчлантиришга урниб:

— Қўйинглар, уят бўлади, кап-катта одамсизлар-а! Қўйинглар! — дея ўртага тушди.

Фақат Отамуродгина бу жанжалга аралашмай жим ўтирар, афтидан аралашмоқчи ҳам эмас эди. Ортиқ қоронғиликда унинг юзини аниқ кўрмаса ҳам, гинакашлик билан унга қараб қўйди: ҳаммасига мана шу қайсар сабабчи. Шофермисан, ишинг руль бураш — хўжайиннинг буюрганини қилиш. Қирчанғи отдек ўзингни у ёққа—бу ёққа ташлайсан, ётоқчилайсан. Нонингни ҳалоллаб е-да! Бўлмаса қўй, бошқа мнисин. Хўжайин олиб юришни чидаганга чиқарган.

Ортиқ анча ҳовридан тушиб, ўрнидан қўзғалиб қўйди-да, домлага қаради:

— Мен бир нарса деяётганим йўқ. Лекин бунақа изғишдан нима фойда? Биронта бир кийик қорасини кўрсатса ҳам майлига экан. Домланинг ўрнига Султонов илтимос оҳангида жавоб қилди:

— Мен сизга қулинг ўргилсин кийик тутиб беролмасам ана ундан кейин айтинг.

«Тўрт томони қибла-ку, кийик тутиб бўлармишми шу зимзиё чўлда», Ортиқ кўнглида унга шундай пичинг қилса-да, сиртида билдирмади:

— Ўзингиз биласиз. Менга бари бир эндн,— деб қўяқолди бепарвогина. Арзимаган нарсага тескарилашиб ўтирмади: ундa кимга фойда-ю, кимга зиён. Така бўлсину, сут берсин.

— Бу бошқа гап!— деди-ю Султонов кўнгли жойига тушиб, газни босди. Ҳозиргина тепада чарақлаб турган гўзкўн юлдузлар бир ёнда қолиб, машина ўнгга бурилди. Унинг ойнасидан энди ҳеч нарса кўринмай қолди. Ўзи эса олдинга нур сепиб, йўл тимирскилаб боради. Гўё қоронғилик қаъридан отилиб чиқиб кетмоқчи бўлади-ю, чиқиб кета олмайди. Султонов рулга ёпишиб олиб, олдинга тикилади. Кўзлари билан нимандир излайди. Топа олмай, кабинадан бошини чиқариб ёнатрофга аланглайди. Кўзига нимадир кўрингандай бўладими, машинани бориб ўша томонга ёруғлик тушириб ҳайдаб кўради. Милт этган қорага кўз-қулоқ бўлиб боради. Унинг важоҳатидан мана ҳозир биронта кийик машина олдидан лоп этиб чиқиб қоладигандек, ҳар бир қора унга кийик бўлиб кўринади. Лекин машина ғирилдаб кетиб бораётганда, Султонов ўни дуч келган томонга солиб кўрянти. Фаралларни ўчириб ёқапти ҳамки, ҳеч нарсадан дарак йўқ. Одамлардаги қизиқиш ҳам сўниб, сукутга кетишган, ҳар ким ўз хаёллари билан бўлиб қолган. Улар шундай ярим соат юришдими, бир соат юришдими, бир маҳал Ортиқ Султоновнинг қийқириғидан чўчиб тушди:

— Ҳа, жонивор! Бор экансан-ку!..— Султонов шер бўлиб кетиб рулга ёпишди. Газни босиб машина тезлигини яна ҳам ошириди. Одамлар нима гаплигига тушуна олмай ҳовлиқиб қолишди.

— Нима-нима? Нима гап ўзи?

— Кийикми? Қани? Қайси томонда?

— Ҳеч нарса кўринмайди-ку, йўқ-ку?!

Ортиқ бир ёнга эгилиб, очиқ жойдан бошини чиқариб олдинга қаради. Аввалига ҳеч нарса кўрмай энсаси қотди. Кейин бирдан машина олдида, ёруғдан талвасага тушиб, аланглаб чопиб бораётган жайрон қорасига кўзи тушиб, юраги ҳаприқиб кетди-ю:

— Ана-ана! Олдинда! Газни босинг! Босинг, бўлмаса етолмайсиз!— деб бақириб юборди.

— Қаёққа қочиб қутулади? Қутулиб бўпти энди!— шодон ҳайқирди Султонов. Ўзи газ устига газ босди. Машина мисоли шамолдек елиб, Ортиқнинг юз-кўзларига майда нарсалар қумдек урилиб, игнадек санчила бошлади. Шамол эса кўз очиргани қўймайди.

— Рост айтасиз. Ана! Фара ёруғига тушиб олди,— ўтирган ерида талпиниб қичқириб юборди домла ҳам.

— Ву-й, мунча чиройли!— деди Зулхумор.

Ҳақиқатан фара ёрнгида кумушдек ялтираб, гўзал бир хилқат, табиат яратган нозик бир учқур мавжудот учиб кетгудек бўлиб, олдинга талпиниб чопиб борарди. У қулоқларини динг қилиб олиб, бутун вужуди кўз-қулоқ бўлиб, қочиб боради. Унинг шамолдек енгил ергишлаб қочиши бенихтиёр кўзни ўйнатиб, одамда овчилик қонини қўпиртиради. Домла айтгандек юрак ҳаприқиб гурс-гурс уриб кетади.

Султонов тезликни ошира-ошира жайронни росмана фара ёруғига тушириб олиб, уни бир ўчириб, бир ёқишга туша кетди. Ортиқ нега бундай қилянти, жайрон ҳозир четга уриб кетади-ку, деб шошиб қолди. Лекин ҳар гал чироқ ўчиб ёнганида кийик баттар саросимага тушиб эсанкирар, тезлиги ҳам секинлашиб борарди. Бу фақат бир неча минутгагина чўзилди. Охири кийик кўзи тиниб, бошини кўтариб аланглаганча тўхтаб қолди. Тўхтаб қолдию, катта тезликда бораётган машина уни уриб юборди.

Ортиқ аниқ кўрди. Нурли йўлда жовдираб турган кумуш кийик ёруғда тилларанга айлана борибб, бирдан қорайди-ю, машина қанотига донг этиб урилиб, умбалоқ ошиб кетди.

Шу пайт Зулхумор:

— Вой-й бечора!— дея қичқириб юборибб, қўллари билан юзини тўсиб олди.

Султонов жадал тормозни босиб, машинани секинлатди-ю, уни аста буриб орқага қараб юрди. Фара ёруғида ҳалиги жойни тусмоллаб бораркан:

— Омадингиз боракан, домла. Жуда чиройли шохлиси экан, — дея мақтаниб қўйди.

— Менда бор-ку, бунисини Зулхумор олақолсин, яхши эсдалик бўлади,— деди домла камтарона. Зулхумор қатъий бош чайқади.

— Йўқ, йўқ, мен қўрқаман. Шу кўрганим етади.

— Бўлмаса, Ортиққа бўлақолсин, бошидан айрилишига сал қолувди,— ҳазил аралаш қилди домла.

Ортиқнинг юраги шиғиллаб кетди, қани энди унга бўлса! Қўлда озмунча турадимики! Харидори чиқиб қолса сўрагаига олади-я бунақа нарсаларни...

УЛАРНИНГ ҲАЁТИ ҲАММА УЧУН ИБРАТ

Ўзбекистон композиторлари СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова билан Тамарахонимни В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган очиқ партия йиғилишига таклиф қилишди. Номлари Ўзбекистонда социалистик маданиятнинг қарор топиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган ана шу машҳур артистлар янги санъатнинг вужудга келиши, ривожланиши тўғрисида, асрлар бўйи давом этиб келган урф-одатларга ва қонунларга қарамай, халқ олдида ўз маҳоратини намойиш қилишга журъат этган дастлабки хотин-қизларнинг чинакам мардлиги ва қаҳрамонлиги ҳақида, сўз билан изоҳлаш қийин бўлган воқеалар — театр томошаларини кўриш, янги ҳаёт учун курашга чорловчи қўшиқларни тинглаш учун минг-минглаб кишиларнинг майдонларга тўпланганлиги тўғрисида гапириб бердилар.

Ҳалима Носирова ва Тамарахоним сингари саҳна усталарининг санъатга фидокорона хизмат қилиши. деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари. ёш авлод учун ибратлидир. Уларнинг хотиралари Композиторлар союзининг «Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз» деган очиқ партия йиғилиши мавзуи учун ёрқин намуна бўлди.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ

ХОЛОДИЛЬНИК КАМЕРАСИДА ЦИКЛОН

Молдавиянинг Страшений посёлкасида ҳеч кимга зарар келтирмай циклон шувилламоқда. Бу ердаги гирдоб кат. такон холодильник камерасидан ташқарига чиқмайди. Кишинёв политехника институтининг олимлари сунъий равишда вужудга келтирган гирдоб бу ерда сақланувчи меваларни қўздан то кўк. ламгача хушбўйлиги ва янгилигини сақлашга ёрдам беради.

Замонавий саноат холодильниклари кўп қаватли иморатларнинг квартираларига ўхшаб кетади. Уларда микроиқлимни сақлаш хазилакам иш эмас, «Молдплодоовошчпром» аграр-саноат бирлашмасининг буюртмасига биноан олий мактабнинг олимлари ишлаб чиққан ҳаво-экран совитиш системаси ана шундай индивидуал микроиқлим бўлишини таъминлайди.

Мана шу мақсадда камерада циклон ҳосил қилинади. Қисқа оқимларга бўлинган гирдоб штабеллар орасига ҳам кириб боради. Оқим кўп метрли олма қатламини пастдан юқорига гача шамоллатадиган даражада кучли, аммо уларга зарар етказмайдиган даражада «мўмин». Айни шундай ҳаво айланиши бутун штабель майдонида температура ва намликни бир маромда сақлайди. Янгилик бутун ҳосилни асрашга имкон беради. Бу усул жорий этилган «Молдплодоовошчпром»нинг икки холодильнигининг ўзидангина система йилига миллион сўм пул тежайди.

(ТАСС).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ЭШЖОНОВА: Айтингчи, экскурсоводлик касбини қаерда эгалласа бўлади?

Жавоб: Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси икки ойлик пуллик курслар ташкил этди. Бу курсларда туристик группаларнинг раҳбарлари тайёрланади. Ўтказилган ҳар бир экскурсия учун туристик группаларнинг раҳбарларига белгиланган ҳажмда ҳақ тўланади. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай экскурсияларни асосий иш билан бирга қўшиб олиб бориш мумкин. Чунки бундай экскурсияларнинг кўпчилиги ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларига тўғри келади. Экскурсиялар республика территориясида ўтказилади. Пуллик курсларга олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 40 ёшгача бўлган шахслар қабул қилинади.

∴ ∴ ∴

С. САМАДОВ: Мамлакатимизда дельфинарийлар бор деб эшитдим. Шу дельфинарий қаерда ишлаб турибди?

Жавоб: Ботумида мамлакатимизда ягона дельфинарий ишлаб турибди. Аввалига у оддий денгиз аквариуми эди. Кейинчалик эса бу аквариумга ташриф буюрган кўпгина кишиларнинг илтимосларига мувофиқ, у ерда дельфинарий ташкил этилди.

∴ ∴ ∴

Ҳ. МУҲАМЕДОВА: Тошкентда болалар боғчалари тарбиячиларини ғайёрлайдиган технякум ёки билим юрти борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг Н. К. Крупская номидаги мактабгача педагогика республика билим юртида мактабгача болалар муассасаларининг тарбиячиси ихтисосини эгаллаш мумкин. Бу билим юрти Муқимий кўчасидаги 178-уйда жойлашган. Бундан ташқари, шундай ихтисосни Юнус Ражабий номидаги мактабгача тарбия республика болалар музика билим юртида ҳам эгалласа бўлади. Бу билим юрти Чилонзор районининг 17-кварталидаги 38-«а» уйда жойлашган.

∴ ∴ ∴

Р. ОБИДОВА: Шаҳримиздаги кийим-кечакларни қайтадан тикадиган ва ремонт қиладиган устахоналарнинг адресини беришингизни сўрайман.

Жавоб: Кийим-кечакларни қайтадан тикиб берадиган ва ремонт қиладиган 25-ихтисослаштирилган ателье Ш. Руставели кўчасида жойлашган. Ленин номидаги якка тартибда кийимлар тикадиган ва уни ремонт қиладиган ишлаб чиқариш бирлашмасининг мана шу ательесига 9, 24-трамвай, 18, 57-автобусларда борилиб, «Социалистик шаҳарча» бекатида тушилади.

∴ ∴ ∴

С. МИНШАРОВ, Ш. ЮЛХАШЕВ: Бизнинг оқ рангли свитеримиз бор. Шуни қизил ёки кўк рангга бўятмоқчи эдик. Бунинг учун «Химчистка»нинг қайси пунктига мурожаат қилишимиз керак?

Жавоб: Западная кўчаси, 1-уйда «Химчистка» идораси ва пункти жойлашган. Ана шу ерга мурожаат қилсангиз, свитерингизни хоҳлаган рангга бўятишингиз мумкин.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

21 АПРЕЛЬ, 1980 й.

ҲУРМАТЛИ КИНОТОМОШАБИНЛАР!

«ВОСТОҚ» кинотеатрида
21 апрель соат 18.00 да
В. И. ЛЕНИН туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган

«УЛКАН ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ»
КАТТА КИНОПРОГРАММА КЕЧАСИ

ПРОГРАММАДА:

Кинотомошабинларнинг партия ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, ёшларнинг мураббийлари билан учрашуви.

Ленин ҳақидаги хроникаль-ҳужжатли ва бадиий фильмлардан фрагментлар намойиш қилинади.

Улуғбек номидаги маданият уйининг «Тенгдошлар» вокал-чолғу ансамблининг чиқиши.

«Ўта хавфлилар...» бадиий фильми премьераси.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, 8 Март кўчаси, Телефонлар: 91-13-74, 91-14-23.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

23— 29 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

Бутуниттифоқ ва халқаро конкурсларнинг лауреати,
Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
«ПЕСНЯРИ» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — ВЛАДИМИР МУЛЯВИН.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ҳамда Свердлов номли концерт зали кассаларида сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Томошалар соат 14.00, 17.00 ва 20.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 11.00, 14.00, 17.00 ва 20.00 да бошланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

21 апрелдан бошлаб
ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИДА

«ЭЪТИҚОД ВА ҲАҚИҚАТ БИЛАН»

(2 серияли)
янги кенг форматли рангли бадиий фильмни

НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Сценарий муаллифи — АЛЕКСАНДР ЧЕРВИНСКИЙ.
Постановкачи-режиссёр — АНДРЕЙ СМИРНОВ.
Ролларда: Елена ПРОКЛОВА, Александр КОЛЯГИН, Сергей ПЛОТНИКОВ, Сергей ШАКУРОВ, Леонид МАРКОВ, Евгений ЛЕОНОВ, Лев ДУРОВ, Нонна МОРДЮКОВА ва бошқалар.

Сўнгги уч ўн йилликда мамлакатимизда амалга оширилган оммавий уй-жой қурилиши соҳасидаги улуғвор революция янги фильмга мавзу қилиб олинган.

Ҳар қандай муҳим ва кенг масштабдаги воқеалар каби граждан қурилишидаги ўзгариш ҳам ўз жиҳатлари билан мураккаб, қарама-қаршиликлар билан тўлиб тошган, кескин конфликтларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси, албатта кишилар тақдирида ўз ифодасини топган.

Кинороманнинг асосий сюжет линияси техника-иқтисодий ечимларнинг бирмунча самарали усулларини қидириб топиш тарихини акс эттиради. Ўртада кескин масала турарди: узоқ асрларга мўлжалланган саройлар қуриш керакми ёки қандайдир даражада кескин турар-жой танқислигини бартараф этувчи арзон «қутичалар» қуриш керакми? Ана шу масалаларнинг ҳар бири ортида фильмнинг у ёки бу сюжет ечими мужассам: бу кураш академик Квашнин, архитектор Минченко, иқтидорли ташкилотчи Сергуня Кряквин, партиявий раҳбар Дмитриевлар образида талқин этилади.

Бу шундай вақт эдики, ўша паллада янги методлар, янги технология, янги типдаги бинолар зарур эди. Кўлами жиҳатдан беқиёс бўлган бу ўзгаришга ўша вақтда қурилиш министри лавозимига тайинланган Дмитриев раҳбарлик қилди. Аммо, биринчи ҳовли тўйлари ўтар-ўтмас аниқ маълум бўлдики, дастлабки йирма уй қурилишида беҳисоб бой беришлар ва камчиликлар мавжуд. Айнан «қадам ташлаш» вақтининг ўзида янги лойиҳаларга ўтиш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш жуда зарур эди. Квашнин учун бу кутилмаган зарба бўлди: ахир бу уйлар — унинг «Оққуш қўшиғи» эди-ку. Бу тенгсиз суронни кўтаролмай академик вафот этади. Аммо у бошлаган ишни конструкторлик бюросининг бош инженери Кряквин, ана шу боисдан ажойиб кўркам лойиҳалаштиришлар, мақтов гулчамбарлари ва чет эл командировкаларидан воз кечган Минченко давом эттирадилар. Бу хайрли ишни дунёда энг осойишта касб эгалари— қурувчилик касбига ўз ҳаётини бахш этган минглаб кишилар давом эттирмоқдалар.

«МОСФИЛЬМ» киностудиясининг маҳсулоти.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IV да **Кулги кечаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Фақат ақл сотилмайди.**

КИНО

21 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«РЕВОЛЮЦИЯ ПОЕЗДИ» — **Фестиваль.**

«РЕВОЛЮЦИЯ СОЛДАТИ» — **Қозоғистон.**

«НОН ҚУМОНДОНИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭЪТИҚОД ВА ҲАҚИҚАТ БИЛАН» — **Санъат саройи** (17, 19.45, телефон 44-39-51), **Нукус** (18.30 20.40, телефон 46-70-69), **Восток** (18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«ШАҲАР ҚАЛҚОНИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«КЕТСАНГ, КЕТАВЕР!»— **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ХАВФЛИ ДЎСТЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Навоий номли** (16.40, 18.20, телефон 44-30-41), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«МАХСУС ЗЎТИВОР ЗОНАСИДА» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«СТАЛКЕР»— **Искра** (17, 19.45, телефон 39-14-59).

«СЕВГАНИНГДАН АЙРИЛМА»— **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ТЎЙЛАР МУБОРАК»— **К. Ерматов номли** (17, 19.00), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«БАҲОРГИ ЙЎЛЛАНМА» — **Ғ. Ғулом номли** (тоқ соатларда).

22 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«РЕВОЛЮЦИЯ ПОЕЗДИ» — **Фестиваль.**

«РЕВОЛЮЦИЯ СОЛДАТИ» —**Қозоғистон.**

«НОН ҚУМОНДОНИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

КИНОЛЕНИННОМА:

«ЛЕНИН ОКТЯБРДА»— **Дружба** (10.20).

«ОЛТИНЧИ ИЮЛЬ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (15.00).

«АППАССИОНАТА» — **К. Ерматов номли** (11.00).

«ЛЕНИН БИОГРАФИЯСИДАН САҲИФАЛАР»— **Восток** (21.00).

«МИЛТИҚЛИ КИШИ» — **Восток** (10.30).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭЪТИҚОД ВА ҲАҚИҚАТ БИЛАН» — **Санъат саройи** (11, 14, 17, 19.45, телефон 44-39-51, **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40, телефон 46-70-69), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«ШАҲАР ҚАЛҚОНИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОРИНГАГА ДЕСАНТ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-29-93).

«КЕТСАНГ КЕТАВЕР!»— **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ХАВФЛИ ДЎСТЛАР»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Навоий номли** (11, 12.40, 14.40, 16.40, 18.20, телефон 44-30-41), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«СТАЛКЕР»— **Искра** (17, 19.45, телефон 39-14-59).

«СЕВГАНИНГДАН АЙРИЛМА»— **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ТЎЙЛАР МУБОРАК» — **К. Ерматов номли** (12, 15, 17, 19.00), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«БАҲОРГИ ЙЎЛЛАНМА» — **Ғ. Ғулом номли** (тоқ соатларда).

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ АҲОЛИГА ЎЗЛАРИНИНГ ОРТТИҚЧА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ИШОНЧЛИ САҚЛАШ ҲАМДА БОШҚА ПУЛ МУОМАЛАЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Шунингдек, омонат кассалари омонатчига ўзининг шахсий бюджетини тўғри ташкил этишда ёрдам беради, меҳнаткашларга ўз омонатларига мунтазам равишда бир озгина маблағ қўйиб бориш билан ўзининг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини бирмунча тўлароқ қондириш учун зарур бўлган миқдорда аста-секин пул жамғариб бориш имконини беради.

ШАҲРИМИЗДАГИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА 758 МИНГ ОМОНАТЧИ БОР. ОМОНАТЛАРНИНГ УМУМИЙ СУММАСИ 894 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚДИР. ФАҚАТГИНА ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЎТГАН 4 ЙИЛИ 3 ОЙ МОБАЙНИДА ШАҲАР ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАР 309 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ КЎПАЙДИ, ОМОНАТЧИЛАР СОНИ ЭСА 195 МИНГ КИШИГА ОРТДИ.

ОМОНАТЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ОМОНАТ КАССАЛАРИ ТУРЛИ ХИЛДАГИ ОМОНАТЛАРНИ; ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА САҚЛАНАДИГАН, МУДДАТЛИ, ШАРТЛИ, ЮТУҚЛИ ВА ЖОРИЙ СЧЁТЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бирмунча кенг ривожлангандир. Омонатчи бундай омонатини хоҳлаган вақтида кўпайтириши ва истаган вақтида бир қисмини ёки ҳаммасини олиши мумкин.

Бундай омонатлар бўйича омонатчиларга йилига 2 процент миқдорида даромад тўланади.

Муддатли омонатлар камида 6 ойга қабул қилинади. Бундай омонатлар бўйича 6 ойдан сўнг омонатнинг сақланган даври учун 3 процент даромад тўланади.

Омонатчи муддатли омонатни 6 ой тўламасдан ҳам олиши мумкин, лекин унга йилига 2 процент миқдорида, яъни талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорида даромад тўланади.

Шартли омонатлар қўйилаётганда маълум бир шарт белгиланиб, омонатчи ўз омонатини мана шу шарт бажарилгач олиши мумкин.

Шартли омонатлар бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда 2 процент даромад тўланади.

Ютуқли омонатлар бошқалардан фарқли ўлароқ, омонатчи бундай омонатлар бўйича ютуқ тариқасида даромад олади.

Йилига 2 марта— апрель ва октябрь ойларида ютуқлар тиражи ўтказилади. Ана шу тиражларнинг ҳар бирида бир мингта ютуқли омонатлар бўйича 25 та ютуқ ўйналади. Булардан омонатнинг ўтган ярим йилдаги ўртача қолдиғига нисбатан битта 200 процентли, иккита—100 процентли, иккита—50 процентли ва йигирмата 25 процентли ютуқлар ўйналади.

Жорий счёт омонатлари талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатдан фарқли ўлароқ, бунда омонат дафтарчаси ўрнига, омонатчига чек ҳамда расчёт дафтарчаси берилади. Омонатчи жорий счёт очиш билан истаган кишиси номига ёки чекни кўрсатувчига деб, чек бериш ҳуқуқидан фойдаланади.

ПУЛ ЖАМҒАРИШНИНГ БИРМУНЧА САМАРАЛИ ФОРМАЛАРИДАН БИРИ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР ЎЗ МАОШЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ, МУКОФОТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК ПЕНСИЯ ПУЛЛАРИНИ ОМОНАТ КАССАЛАРДАГИ ОМОНАТ СЧЁТЛАРИГА НАҚД ПУЛСИЗ ЎТКАЗИШЛАРИДАН ИБОРАТДИР.

Бу, омонат кассаларга келмасдан туриб, омонат дафтарчасига пул қўйиш имконини беради.

Бунинг учун корхона ёки ташкилот ҳисоб-китоб бўлимларига, пенсия тўлайдиган органларга ариза ёзиб топширилади. Аризада ой сайин омонат кассага ўтказиладиган сўмма миқдори ,омонат касса номери, унинг адреси ва шахсий счёт номери кўрсатилади (агар шахсий счёт очилмаган бўлса, «янги» счётга деб ёзилади). Нақд пул тўламасдан ўтказилган сўмма омонатчи омонат кассасига келиши биланоқ унинг омонат дафтарчасига ёзиб қўйиладн.

Шу йўл билан кўплаб жамғарма тўплаш оммавийлашганини қуйидаги фактдан ҳам билиш мумкин.

ФАҚАТ ЎТГАН 1979 ЙИЛ МОБАЙНИДАГИ МАОШЛАРНИНГ БИР ҚИСМИНИ НАҚД ПУЛСИЗ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ШАҲРИМИЗ ОМОНАТ КАССАЛАРИГА 27 МИЛЛИОН 639 МИНГ СЎМДАН КЎПРОҚ, ПЕНСИЯЛАРДАН — 13 МИЛЛИОН ,60 МИНГ СЎМ КЕЛИБ ТУШДИ.

Омонат кассалари омонатнинг сир сақланишига ҳамда уларнинг бутлигига кафолот беради.

БУГУНГИ КУНДА ШАҲРИМИЗДА 187 ТА ОМОНАТ КАССА СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

«ОҚА», «ЛОТОС», «ЛОТОС-АВТОМАТ» ПРЕПАРАТЛАРИ

ТЕЗ ВА ТОЗА ЮВАДИ

Бу препаратлар жуда хилма-хил газмоллар: каламенка, ип-газлама, сунъий, табиий, аралашма толалардан тўқилган газмоллар ва шерстдан тикилган буюмларни тозалашда тенги йўқдир.

«ЛОТОС-АВТОМАТ» порошоги таркибига юқори даражада оқловчи восита — перфорат натрий кирган. Шу туфайли унда ювилган ип-газлама буюмлар ҳаворанг тусга монанд кўзни қамаштирувчи оқлик кашф этади. Шунинг учун ювилган буюмларни қўшимча яна синкалашга ҳожат қолмайди.

«ЛОТОС-АВТОМАТ»дан кир ювиш машинасида ҳам фойдаланиш мумкин: оз даражада кўпик ҳосил қилиши машинанинг яхши ишлашини таъминлайди.

«ОКА» — биологик қўшимчалар қўшилган порошок бўлиб, оз меҳнат билан кийимдаги юфе, чой доғларини ва бошқа оқсил кирланишларини осонгина кетказиш мумкин.

«ОКА» порошоклари ҳарорат 60 градусдан юқори бўлмаган сувда юксак даражада ювиш хусусиятларига эга. Кир ювиш олдидан кийимларни унинг сувида бўктириб қўйиш буюмлардаги оқсил кирланишларини осонгина кетказиш имкониятини беради.

«ЛОТОС»— каламенка ва ип-газламадан тикилган ички кийимлар, шерсть, шойи, сунъий толалардан тўқилган газмоллардан тикилган буюмларни тозалаш учун мўлжалланган.

Юқорида санаб ўтилган барча ювувчи порошоклар юмшоқ ва оғир сувда осон эрийди, ёқимли ҳиди бор, қўл териларига знён етказмайди.

«ЛОТОС», «ОҚА» ва «ЛОТОС-АВТОМАТ» синтетик ювувчи воситаларидан фойдаланингиз!

Улар кир ювиш жараёнини бирмунча енгиллаштириш билан сизларга холис хизмат кўрсата олади!

БУ ПОРОШОҚЛАРНИ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ УЧУН

БАЙРАМ АРАФАСИ КУНЛАРИДА МАГАЗИНЛАР, УНИВЕРМАГЛАР, ЯРМАРКАЛАР ОДАМЛАР БИЛАН, АЙНИҚСА ГАВЖУМ...

Тошкентликлар, пойтахтимиз меҳмонлари, дўстлари, қариндошлари, яқин билишлари учун совғалар харид қилишга шошилишяпти.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ

1 МАЙГА ХИЛМА-ХИЛ ТОВАРЛАРНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАДИ.

Кримплен, сунъий ёки табиий шойидан тикилган башанг кўйлаклар гардеробингизни кўнгилдагидай янгилаши мумкин. Бу ерда блузкалар, юбкалар, сарафанларнинг хилма-хил фасонлари мавжуд.

Кўн-галантерея бўлимидан сумкача ёки портфель, спорт сумкаси ёки йўлга олиб кетиладиган чамадонлар харид қилиш мумкин.

Пойафзал бўлимига киришни ҳам унутманг. Бу ердан ўзингизга ва оилангиз аъзоларига чиройли ва қулай пойафзаллар сотиб олиш мумкин.

Севимли атирлар яхши совға бўла олади. Парфюмерия ва косметика бўлимига кириб ўтишни унутманг. Бу ерда атирлар ва одеколонлар, лаб бўёқлари ва упалар, турли кремлар билан савдо қилинмоқда.

«СУВЕНИРЛАР» бўлимида ҳам сизни кўпдан-кўп байрам совғалари кутмоқда: миллий дўппилар, гул солиб тикилган сўзаналар, суяк, металл, пластмасса, ёғочдан ишланган сувенирлар, керамика маҳсулотлари.

ЎЙИНЧОҚЛАР БЎЛИМИДАН ПОЛИХЛОРВИНИЛ, ПОЛИЭТИЛЕН, ПЛАСТМАССА ВА МУЙНАЛИ ТУРЛИ ЎЙИНЧОҚЛАРНИ ТАНЛАЙ ОЛАСИЗ.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
22 апрель соат 19.00 да
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
ОЛИЙ ЛИГАНИНГ
«ЦСКА» (Москва) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) **командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН МАШИНАНАСОЗЛИК САНОАТИНИНГ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ТЕХНИКА ЖАМИЯТЛАРИ ПРАВЛЕНИЕСИ, УКРАИНА ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЎТА МУСТАҲКАМ МАТЕРИАЛЛАР ИНСТИТУТИ

(Киев шаҳри)

22 апрель соат 9.00 дан 25 апрелгача

УКРАИНА ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЎТА МУСТАҲКАМ МАТЕРИАЛЛАР ИНСТИТУТИ (Киев шаҳри)**нинг тематик кўргазмаси базасида**

«САНОАТДА ЎТА МУСТАҲКАМ СИНТЕТИК МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ» мавзуида

КЕНГАШ

ЎТКАЗАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, Тошкент техника уйи.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 АПРЕЛЬ — ДУШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.40 «Фан оламида». Эстония ССР Фанлар академияси. 18.25 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 18.55 «Ленинча ГОЭЛРО плани». 19.35 «Яна жанг давом этади». Совет қўшиқларидан концерт. 19.55 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Время» информацион программаси.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.05 «Ўзбекистон санъати музейи заллари бўйлаб». В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган виставкадан репортаж. 18.35 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 18.50 «Ленин берган саодат». Музикали адабий композиция. 19.30 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Москва. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Время» информацион программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Йиғиликлар. 20.25 Шифокор экрани. 20.55 «Меҳнат эстафетаси» (рус.). 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 22.25 «Ленин. Сўнгги саҳифалар». Ҳужжатли кинофильм. (рус.).

22 АПРЕЛЬ— СЕШАНБА

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ

В. И. ЛЕНИН ХОТИРАСИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Ёшлар адреслари». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Илғор тажриба— умумхалқ мулки». «Муваффақият манбаи». Кўрсатувда КПСС Ульяновск область комитетининг биринчи секретари И. М. Кузнецова иштирок этади. 20.05 «Ленин менинг қалбимда». Концерт. 20.30 «Ленин ва давр». Ҳужжатли фильм премьераси. Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси. 1980 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Театр ва замон». «Томоша залида В. И. Ленин». 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 М. Пятницкий номли академик рус халқ хорининг концерти.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 «Олтин элак» Болалар учун мультфильм. 17.40 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашга ўргатиш (такрорий). 18.05 «Ленин йўлидан коммунизм сари». В. И. Ленин музейидан репортаж. 18.45 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. Танаффус пайтида «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Роялъ олдида суҳбатлар» Ильич севган асарлар. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 22.20 Киноленинома. «Ишонч» Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Йиғиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Ҳозирги замон реакцион буржуа санъати ва эстетикаси». 21.05 Совет давлати ва ҳуқуқлари асослари. «Қонунчилик ва ҳуқуқ тартибларини таъминлаш» (рус.). 21.35 Абитуриентлар учун. Физика. 22.35 «Дақиқа, яна дақиқа». Телефильм. (рус.).

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81, ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; катлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

21 АПРЕЛЬ, 1980 й. Р. 13835. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б— 2030.